

Бобо ва момо мероси (иккинчи мақола)

Image not found or type unknown



10:30 / 16.12.2019 2809

هُلِّلَ لِيَضْرُرْكَ بِي بَأَى لِي إِذْ جَلَّتْ عَاجِلَاقُ هُنَّ عُلَلِ لِي ضَرَبِي وَذُنْبَ عَصِي بَقِ نَع
عُنُسِي فِي كَلِّ تُمْلَعِ أَمَوُ، عَيْشِهِ هَلْ لِي بَاتِكِ فِي كَلِّ أَمَ: لَاقَفَ، أَعْتَارِي مِ هَلْ لَسَتْ هُنَّ ع
لَاقَفَ. لَاسْفَ سَانِ لَاسْفَ أَيْتَحِ عِي عَجْرَافَ، أَيْتَشِ هِي لَعِ هَلْ لِي لِي لَصْرِهِ هَلْ لِي بَن
لَاقَفَ، سُدْسُ لِي أَطْعَأُ هِي لَعِ هَلْ لِي لِي لَصْرِهِ هَلْ لِي لَوَسْرُ تَرْضَحَ: عَبْغُشُ نُبْ عَرِي غُمْلَا
أَهْلُ دَفْنِ أَفْ، هَلْ لَوَقْ لَاقَفَ عَمَلْ سَمِ نُبْ دُمْحَمَ مَاقَفَ؟ كُرِّي غَكْ عَمَلْ هَ: زَكَبَ وَبَأ
هُ لَاسَتْ هُنَّ عُلَلِ لِي ضَرَرَمُ عِي لِي إِذْ جَلَّتْ عَاجِلُ مِثْ، هُنَّ عُلَلِ لِي ضَرَرْكَ بَ وَبَأ
أَلِ هَبَ يَضُقُ يَدْلُ أَعْضَقْ لِي أَنْ كَ أَمَوُ، عَيْشِهِ هَلْ لِي بَاتِكِ فِي كَلِّ أَمَ: لَاقَفَ، أَعْتَارِي مِ
هِي فِ أَمْتَعَمَتْ جَلْنِ إِفْ، سُدْسُ لِي كَلْ دَوُّهُ نَكَلْ وَضِيءَ أَرْفَلَا فِي دِيءِ أَرْبَ أَنْ أَمَوُ، كُرِّي غَل
نَنْ سَلْ أَبْ حَصَّ أَوْرَ. أَهْلَ وَهَفَ هَبْ تَلَخَ أَمَ كُتِّي أَوُ، أَمَ كَنْ يَبْ وَهَفَ

Қусайба ибн Зуъайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир момо (отанинг онаси) Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ҳузурига келиб,
ўз меросини сўради. Бас, у:

«Сизга Аллоҳнинг Китобида ҳеч нарса йўқ. Мен Аллоҳнинг Расули суннатларида сен учун бир нарса борлигини ҳам билмайман. Бораверинг. Мен одамлардан сўрайин», деди.

Бас, у сўради. Шунда Муғийра ибн Шўъба:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга олтидан бирни берганларида ҳозир бўлган эдим», деди.

«Сен билан бошқа одам ҳам бормиди?» деди Абу Бакр.

Шунда Муҳаммад ибн Маслама ўрнидан туриб, унинг гапига ўхшаш гап айтди. Бас, Абу Бакр розияллоҳу анҳу буни унга (момога нисбатан) ижро этди.

Кейин бошқа момо (онанинг онаси) Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурига ўз меросини сўраб келди. Шунда у:

«Сизга Аллоҳнинг Китобида ҳеч нарса йўқ. Чиқарилган ҳукм ҳам фақат сиздан бошқага чиққан. Мен фароизларга зиёда қилувчи эмасман. Лекин ҳақнинг ўша олтидан бир. Агар икковингиз (икки момо) жамланиб қолсангиз, у (мерос) орангизда бўлинади. Қайси бирингиз у билан холи қолса, у ўшаникидир», деди».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Авалло ровий Қубайса ибн Зуъайб розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик.

Қубайса ибн Зуъайб ибн Халхала ал-Хузойй, кунялари Абу Саъийд ал-Маданий. Фатҳ йилида дунёга келдилар. Саҳобалар авлодидан, Мадина аҳлининг фақиҳ ва солиҳ кишилари билан бўлганлар.

Ҳадисларни Умар ибн Хаттобдан мурсал ҳолда ривоят қилдилар. Яна Билал, Усмон ибн Аффон, Абдурраҳмон ибн Авф, Абу Ҳурайра, Оиша ва Умму Салама оналаримиздан ҳадислар ривоят қилдилар.

Ҳижратнинг 89-йили Абдулмалик ибн Марвоннинг халифалик даврида вафот этдилар.

Ушбу ривоятдан олинган фойдалар:

1. Муслима аёлларнинг ҳақларига гумон бор жойда ҳам ўша ҳақни олиш учун ҳаракат қилганликлари. Қуръонда, Суннатда ҳақ кўрсатилмаган

бўлса ҳам мазкура момонинг халифа ҳузурига келиб, меросдан ўз ҳаққини сўрагани шуни кўрсатади.

2. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг камтарликлари. Халифа, машҳур саҳобий бўла туриб, оддий бир кампир олдида ўзларининг билмасликларини тан олишлари ва «Одамлардан сўраб, кейин айтаман», дейишлари, сўнгра одамларга эълон қилиб, бу масалани сўраганлари ушбу фикрни тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам «Билмайман», дейиш илмнинг ярмидир», дейилган. «Ҳамма нарсани биламан», дейиш хуш кўрилмаган.

3. Бунга ўхшаш масалада бир кишининг гувоҳлиги етмаслиги, икки киши бўлиши шартлиги.

Ҳазрати Абу Бакрнинг Муғийра ибн Шўъбанинг берган гувоҳликлари билан қоникмаганликлари, фақат Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳу ҳам гувоҳлик берганларидан кейингина ҳукми ижро этганлари шуни кўрсатади.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг момога меросдан олтидан бир ҳисса берганликлари. Чунки она йўқлигида момо онанинг ўрнига ўтади ва унинг насибасини олади.

Ҳазрати Абу Бакрдан меросдаги ҳаққини сўраб келган момо аслида ўғлининг ўғлидан қолган меросни сўраб келган экан. Яъни у маййитнинг отасининг онаси экан.

5. Ҳазрати Умарнинг даврларида бошқа бир момо меросдаги ўз ҳаққини, яъни қизининг ўғлидан қолган меросдан ҳақ сўраб келган экан. У аёл маййитнинг онасининг онаси бўлган. Шу вақтгача бундай масала юзага чиқмаганлиги, маълум бўлмаганлиги учун халифа Ҳазрати Умарнинг ҳузурларига «Меросда менинг ҳаққим борми, йўқми?» деб сўраб келган. Ҳазрати Умарнинг «Чиққан ҳукм ҳам фақат сендан бошқага чиққан», деганлари эса шунга ишорадир. Яъни Ҳазрати Абу Бакр чиқарган ҳукм ҳам онанинг онаси мерос олиши ҳақида эмас, отанинг онаси мерос олиши ҳақида бўлган.

6. Онанинг онаси ҳам олтидан бир ҳисса насиба олиши.

Чунки она йўқлигида у онанинг ўрнини босади ва меросдан онанинг насибасини олади.

7. Набиранинг меросида отанинг онаси ва онанинг онаси, яъни икки момо жам бўлиб қолсалар, мероснинг олтидан бир қисми икковларининг ўртасида тақсимланади.

8. Икки момодан қай бири ёлғиз ўзи бўлса, олтидан бир ҳиссани ўзи олади.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан